**ЦЕРЕБРАЛ БЕЙБИ**
ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА
ОЗУҚАГА БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧА

**Таркиби:** 0,5 мл эритманинг таркибида:
*фаол моддалар:*

| | |
|---|---|
| Докозагексаен кислотаси (ДГК) | 20 мг |
| Е витамини | 2,7 мг |
| А витамини | 87,2 мкг |
| $D_3$ витамини | 5 мкг |

*ёрдамчи моддалар:* кунгабоқар ёғи.

**Фаол ингредиентларнинг хусусиятлари**
***Докозагексаен кислотаси (ДГК)*** **–** бу бола учун Омега-3 синфидаги ўта қийматли муҳим политўйинмаган ёғ кислотаси, у ҳужайра қобиқларини бутлигини сақлаб қолишга ёрдам беради. ДГК боланинг бош миясини тўғри шаклланиши ва меъёрда ишлаши учун зарур.

***А витамини*** кўриш қобилиятини меъёрда ушлаб туришга ёрдам беради.

***D витамини*** организмда кальций таркибини тартибга солади, суякларни тўғри шаклланишига ёрдам беради.

***Е витамини*** организмнинг барча алмашинув жараёнларида иштирок этади, ҳужайраларни оксидлаш стрессидан ҳимоя қилади.

**Қўллаш соҳаси**
Докозагексаен кислотаси (ДГК) ва А, $D_3$, Е витаминларнинг қўшимча манбаи сифатида овқатга БФҚ сифатида тавсия этилади.

**Қўллаш усули**
3 ёшдан катта болаларга 0,5 мл (12 томчи) дан кунига бир марта, овқат пайтида қабул қилиш тавсия этилади. Қўллашдан олдин яхшилаб чайқатилсин.

**0,5 мл даги озуқавий қиймати (г)**:

| | |
|---|---|
| Оқсиллар | 0 г |
| Ёғлар | 0,44 г |
| Углеводлар | 0 г |
| Энергетик қиймати | 165,5 кДж / 39,5 ккал |

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**
БФҚ нинг ҳар қандай компонентларидан бирига юқори сезувчанлик.

**Махсус кўрсатмалар**
Тавсия этилган суткалик дозани ошириш ва БФҚ ни турли мувозанатланган озиқланиш ўрнига қўллаш мумкин эмас.
Таркибида A, E ва D витаминлари бўлган бошқа БФҚ ларни бир вақтда қўллаш мумкин эмас.
Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўллашдан олдин шифокор билан маслаҳатлашиш тавсия этилади.

**Сақлаш шароити**
25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда, қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда сақлансин.
Болалар ололмайдиган жойда сақлансин!

**Чиқарилиш шакли ва қадоқ**
1 та флакондан (20 мл) давлат ва рус тилларидаги йўриқномаси билан картон қутида.

**Яроқлилик муддати:**
30 ой.
Қадоқда кўрсатилган яроқлилик муддати ўтгандан сўнг қўлланилмасин.

**Бериш тартиби:** рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи:**
O.F.I. Officina Farmaceutica Italiana S.p.A., Бергамо, Италия

**Сертификат эгаси:**
«Belinda Laboratories» LLP, Лондон, Буюк Британия

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истеъмолчилардан эътирозларни қабул қилувчи ваколатланган ташкилот:**
«Ameliya Pharm Service» МЧЖ
Ойбек кўч., 36, «East Line» БМ, 100015, Тошкент ш., Ўзбекистон.
тел: +99878 1505081 +99878 1505082, e-mail: uzdrugsafety@evolet.co.uk